# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

**29-сон (1101) 2023 йил июль**


***Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:***

***биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;***

***иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;***

***учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;***

***тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;***

***бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.***

## МУНДАРИЖА


***Биринчи бўлим***

303. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 17 июлдаги ЎРҚ–856-сон Қонуни

***Иккинчи бўлим***

304. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 июлдаги ПФ–111-сон Фармони

***Учинчи бўлим***

305. «Давлат муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги 302-сон қарори

306. «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарори

***Бешинчи бўлим***

307. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги 7-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1186-12)*

308. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 27 июндаги 37-2023/Б-сон «Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1983-3)*

309. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 6 июндаги 14/7-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-11)*

310. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 49-сон «Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2765-1)*

311. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги 15-сон «Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936-2)*

312. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги 13-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎзР АҚ-160) ўзгартириш-

лар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-8)*

313. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги 14-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎзР АҚ-92) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1773-3)*

314. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги 12-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1881-3)*

315. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги 18-сон «Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2545-1)*

316. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2023-yil 5-iyuldagi 58-2023/QQ-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 21-iyundagi 38-son va Transport vazirligining 2023-yil 4-iyuldagi 20-son "Avtomobil transporti haydovchilari mehnatiga haq to‘lashning umumiy shartlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida"gi qarori *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 19-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3130-2)*

317. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 39-2023/Б-сон «Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2046-3)*

318. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 51-2023/Б-сон «Кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2743-1)*

319. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 38-2023/Б-сон «Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар

киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-5)*

320. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 40-2023/Б-сон «Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-5)*

321. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 48-2023/Б-сон «Электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2466-1)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 303 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 8 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 22 июнда маъқулланган

Мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларининг самарали бошқарилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларининг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тизимли чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, амалга ошириладиган назорат тадбирларининг мақсадлари ва тартибини белгилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг қонунлар ижроси, шу жумладан давлат харидлари соҳасидаги қонунлар ижроси устидан давлат назоратини амалга оширишга доир вазифаларини аниқлаштириш зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига оз миқдорда талон-торож қилинганлиги ва давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органларига эса оз миқдорда талон-торож қилинганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўз иш режалари, молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиришга, шунингдек жамоатчиликни ўз фаолияти ҳақида ҳар чоракда хабардор қилиб боришга доир мажбуриятларини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларининг шакллари ва турлари белгилаб қўйилмоқда ҳамда унинг қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишга доир вазифалари аниқлаштирилмоқда.

---

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 июлда эълон қилинган.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини takомиллаштиришга ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига, шунингдек бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, №10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар,

№ 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **245$^6$-модданинг биринчи қисмидаги** «Ушбу Кодекснинг 175$^2$, 175$^7$» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг 61-моддасида (бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағларини олувчиларнинг, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг мол-мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишга оид қисмида), 175$^2$, 175$^7$, 175$^8$» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **264$^1$-модданинг биринчи қисмидаги** «Ушбу Кодекснинг 175$^2$ ва 175$^8$-моддаларида» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг 61-моддасида (бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағларини олувчиларнинг, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг мол-мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишга оид қисмида), 175$^2$ ва 175$^8$-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»**-ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; № 8, 803, 804-моддалар, № 12, 1198-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисми** «Ҳисоб палатаси» деган сўзлардан кейин «юридик шахс бўлиб, у» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **4-модданинг ўн иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш»;

3) **9-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳисоб палатаси молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Ҳисоб палатаси назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг бартараф этилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар мустасно.

Ҳисоб палатаси ҳар чоракда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисида жамоатчилик олдида оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида ҳисобот бериб боради»;

4) **11-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда ёрдамчи ходимларидан» деган сўзлар «ёрдамчи ва техник ходимларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **12-модданинг:**

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисоб палатасининг шўъба мудирлари, бош инспекторлари, етакчи инспекторлари, инспекторлари, ёрдамчи ва техник ходимлари Ҳисоб палатасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади»;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

6) **13-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи**, **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ Ҳисоб палатасига ходимларни ишга қабул қилишни амалга оширади ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилади;

буйруқлар чиқаради ва Ҳисоб палатасининг таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Ҳисоб палатасининг штат жадвалини тасдиқлайди»;

7) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳисоб палатасининг раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосарларидан бири амалга оширади»;

8) **28-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«28-модда. Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги функциялари**

Ҳисоб палатаси ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижроси устидан назоратни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижроси устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш тўғрисидаги таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига хулосалар киритади»;

9) **30-модда:**

**ўн еттинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганлиги, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот «ijro.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижро этилмаганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида ижро этилмаганлиги, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот қонунчиликда белгиланган тартибда «ijro.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**йигирманчи хатбошиси** «интизомини» деган сўздан кейин «бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **йигирма учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишга ҳақли»;

10) **31-модда:**

**биринчи қисмидаги** «назоратни» деган сўз «назорат тадбирларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи — еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тафтиш назорат тадбири билан қамраб олинган даврда назорат объекти томонидан амалга оширилган барча молия-хўжалик операцияларининг қонунийлиги ва асослилигини, уларнинг бухгалтерия ҳисоботларида ҳамда молиявий ҳисоботларда ҳаққоний тарзда ва тўғри акс эттирилишини ҳужжатлар асосида аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Текшириш назорат объектининг муайян даврдаги айрим ҳаракатларини (операцияларини) ёки фаолиятининг муайян йўналишини назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Текшириш камерал ва сайёр турларга бўлинади.

Камерал текшириш, қоида тариқасида, Ҳисоб палатаси жойлашган ерда, Ҳисоб палатасида мавжуд бўлган ёки Ҳисоб палатасининг сўровига кўра тақдим этилган маълумотларга ва ҳужжатларга асосан ўтказилади.

Сайёр текшириш назорат объекти жойлашган ерда ўтказилади.

Ўрганиш назорат объектининг муайян соҳасини ҳамда фаолиятини статистик, молиявий ва бошқа маълумотлар асосида таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида амалга оширилади»;

**иккинчи қисми саккизинчи қисм** деб ҳисоблансин;

11) **33-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижро этилмаганлиги учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари сифатли тарзда ҳамда ўз вақтида ижро этилмаганлиги, шу жумладан уларнинг ижроси тўғрисидаги ахборот

қонунчиликда белгиланган тартибда «ijro.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига доир чоралар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги кейинги назорат жараёнида аниқланган тақдирда, Ҳисоб палатаси вазирликларга, давлат қўмиталарига, идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва бошқа ташкилотларга уларнинг ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақли»;

12) **38-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Назорат тадбирлари фақат назорат ишларининг йиллик дастурига киритилган назорат объектларида амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг сўровларига асосан ўтказиладиган назорат тадбирлари, камерал назорат ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно»;

13) **45-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисоб палатаси фаолиятининг молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳисоб палатасида бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилади, ундан фойдаланиш тартиби қонунчиликда белгиланади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 17 июль,
ЎРҚ–856-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 304 Маъмурий ислоҳотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, тармоқ ва ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини таъминлаш;

халқаро иқтисодий ва молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, республикага ташқи беғараз кўмак (грантлар, техник кўмак) маблағларини жалб қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш;

давлат саноат сиёсатини амалга ошириш, саноатни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, асосий турдаги маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш моддий балансларини шакллантиришда иштирок этиш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, махсус иқтисодий зоналар ва саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш, саноат кооперациясини кенгайтириш;

саноатнинг асосий йўналишлари, шу жумладан кимё, машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, ипакчилик, чарм-пойабзал, заргарлик, озиқ-овқат саноати тармоқларида, қурилиш материаллари, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасида давлат саноат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳаларга халқаро стандартларни жорий қилиш ишларини мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш фаолияти турларини лицензиялаш;

савдо соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, бозор ҳолатини мониторинг ва таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларига халқаро талабларга мос техник регламентларни жорий этиш, ташқи савдони тартибга солишни мувофиқлаштириш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 июлда эълон қилинган.

ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан экспорт маршрутларини кўпайтириш, экспортни қўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва бошқа иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамда хорижий молия ва иқтисодий институтлардаги доимий вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида ташқи иқтисодий фаолият масалалари билан шуғулланувчи ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) инвестициялар йўналишида:

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида ҳар бир инвесторга лойиҳа ишга туширилгунга қадар барча босқичларда ҳамроҳлик қиладиган, хусусан ер олиш, инфратузилмага уланиш, рухсатномаларни расмийлаштириш каби масалаларни ҳал қилиб борадиган «инвестиция менежерлари» бириктирилади. Бунда, «инвестиция менежерлари» мақоми бўйича Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги бошқарма бошлиғига тенглаштирилади;

«инвестиция менежерлари» вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари вазифалари юклатилган ўринбосарлари билан тўғридан-тўғри иш олиб боради;

инвестициялар, саноат ва савдо вазири томонидан «инвестиция менежерлари» фаолияти самарадорлигини баҳолаш (KPI), уларни эришилган кўрсаткичлар асосида рағбатлантириш чораларини қўллаш тизими жорий этилади;

лойиҳа гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган янги лойиҳалар маҳаллий ва хорижий инвесторларга бепул тақдим қилинади;

Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги тизимида «ягона дарча» тамойили асосида, шу жумладан «онлайн» режимда фаолият юритувчи Инвесторлар маркази ташкил этилади;

Инвесторлар маркази инвесторларни мамлакатга кириб келишда кутиб олади, уларга визалар, шу жумладан инвестиция визасини олишда кўмаклашади, музокаралар учун зарур шароитларни яратади;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш ваколати берилади;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан инвесторларни халқаро аэропортларнинг «VIP» залида кутиб олиш ва кузатиш ваколати берилади;

б) саноат йўналишида:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақо-

мига эга бўлмаган Саноат ва ташқи бозорларни таҳлил қилиш маркази ташкил этилади;

2023 йил 1 декабрга қадар Электрон кооперация портали негизида Ўзбекистон Миллий саноат портали (кейинги ўринларда — саноат портали) яратилади. Бунда, саноат портали Солиқ қўмитаси, Статистика агентлигининг маълумотлар базаси ҳамда «Электрон ҳукумат» тизими билан интеграция қилинади;

тармоқ уюшмалари раҳбарларига бир вақтнинг ўзида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги тизимида меҳнат фаолиятини юритишга рухсат берилади;

в) савдо йўналишида:

Экспортни рағбатлантириш агентлиги тизимида «ягона дарча» тамойили асосида, шу жумладан «онлайн» режимда фаолият юритувчи, юридик шахс мақомига эга бўлмаган Экспортчилар маркази ташкил этилади;

2023 йил 1 декабрдан бошлаб «GSP+» тизими имтиёзлари қўлланилишига доир маълумотлар олиш, синов лабораторияларини (шу жумладан, ветеринария, ўсимликлар карантини, санитария-эпидемиология соҳаларда) эркин танлаш, синов баённомаларини электрон расмийлаштириш имконини берадиган ҳамда божхона органлари «ягона дарча» тизимига интеграция қилинган «E-sertifikat» ахборот тизими ишга туширилади;

«Штрихли кодлаш ва ахборот технологиялари маркази» давлат корхонасининг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар штрихли кодларининг давлат реестрини юритиш монопол функцияси бекор қилинади.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 августдан бошлаб 1-иловада кўрсатилган вазирлик ва идораларда:

янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича «лойиҳа офислари» ташкил этилади;

хорижий ҳамкорлар билан ташқи иқтисодий масалалар бўйича ўтказилган музокаралар юзасидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига 3 кун ичида ҳисобот берилади.

4. Қуйидагилар:

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш дастури 2-иловага* мувофиқ;

Инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида янги тузилаётган муассасалар фаолиятини ташкил қилиш дастури 3-иловага* мувофиқ;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 6-иловага* мувофиқ;

Инвестициялар, саноат ва савдо соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 7-иловага* мувофиқ;

---

* 2 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Европа Иттифоқининг «GSP+» тизими доирасида имтиёзга эга бўлган маҳаллий маҳсулотларнинг Европа бозорларига экспортини кенгайтиришга оид халқаро стандарт тизимларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг ўринбосарлари 9-иловага* мувофиқ хорижий мамлакатларга бириктирилсин ва инвесторлар билан самарали фаолиятни йўлга қўйиш бўйича масъул этиб белгилансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Саноатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

янги турдаги юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилган саноат лойиҳаларига хорижий ва миллий валютада кредит маблағлари, шу жумладан айланма маблағ ажратилади;

ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш мақсадида бино-иншоотлар харид қилиш ва ижарага олиш учун кредитлар «Саноат ипотекаси» тизими асосида ажратилади;

талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хорижий мутахассислар жалб қилиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг бир қисми молиялаштирилади;

саноат корхоналарига кўмаклашиш уларнинг устав капиталида иштирок этиш, мол-мулк сотиб олиш, миллий ва хорижий валютада қарзлар бериш, шунингдек, қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилади.

6. Белгилансинки:

Жамғармага 1 млрд АҚШ доллари эквиваленти миқдорида маблағ жалб қилинади, шу жумладан 2023-2024 йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 млн АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар ажратилади;

Жамғармага ташқи манбалардан қарз маблағларини ва кейинчалик Жамғарма капиталига янги иштирокчиларни жалб қилишга рухсат берилади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2024 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инфратузилма харажатлари учун 2 трлн сўм ҳамда Жамғарма томонидан тақдим этиладиган субсидиялар ва компенсация харажатлари учун 15 млн АҚШ доллари эквивалентида маблағлар ажратиб борилади.

7. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси этиб қайта номлансин.

Ҳукумат комиссиясининг янгиланган таркиби 10-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони

---

* 8 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тартибга солиш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин ҳамда уларнинг намунавий таркиби 10а-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ҳукумат комиссиясига инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун суғорилмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерларининг тоифасини ўзгартириш, шунингдек мастер-режалари тасдиқланган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини бозор қийматида тўғридан-тўғри сотиш ёки электрон онлайн-аукционга чиқариш бўйича қарор қабул қилиш ваколати берилсин.

8. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш ва тадбиркорлик соҳаларида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назорат самарадорлигини янада кучайтириш мақсадида маъмурий ислоҳотлар доирасида мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан прокуратура органларига 35 та штат бирлиги ажратилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 11-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 21 июль,
ПФ–111-сон

---

* 10а-11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 21 июлдаги
ПФ–111-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича лойиҳа офислари ташкил этиладиган вазирлик ва идоралар**
**РЎЙХАТИ**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги.
2. Энергетика вазирлиги.
3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.
4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
5. Маданият ва туризм вазирлиги.
6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги.
7. Транспорт вазирлиги.
8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.
9. Сув хўжалиги вазирлиги.
10. Рақамли технологиялар вазирлиги.
11. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги.
12. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги.
13. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги.
14. Ташқи ишлар вазирлиги.
15. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги.
16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги.
17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси.
18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси.
19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги.
20. Давлат активларини бошқариш агентлиги.

# УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 305 Давлат муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–123-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда давлат муассасалари фаолиятида замонавий бошқарув усуллари, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат муассасалари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат муассасасининг ҳуқуқий мақоми;

давлат муассасасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

давлат муассасасини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

давлат муассасаси филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш тартиби;

давлат муассасаси фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш тамойиллари;

давлат муассасаси фаолиятини назорат қилиш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 21 июль,
302-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 21 июлда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 21 июлдаги 302-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Давлат муассасалари тўғрисидаги НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат муассасасининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, давлат муассасасини, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиш ҳамда фаолиятини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Давлат муассасаси бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун давлат органи ёки ташкилоти томонидан ташкил этилган ҳамда тўлиқ ёхуд қисман у томонидан молиялаштириладиган юридик шахс ҳисобланади.

Давлат муассасаси Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

Давлат муассасаси белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, шунингдек, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан ташкил этилган давлат муассасалари, башарти, мазкур ҳужжатларда фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг ушбу турларини лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида кўрсатилган давлат муассасаларини лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этмайди.

### 2-боб. Давлат муассасасини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш

4. Давлат муассасасининг муассислари давлат органлари ва бошқа давлат муассасалари бўлиши мумкин.

Давлат муассасасининг муассиси ўзининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади (қайта ташкил этилади). Ушбу қарорда унинг муассиси кўрсатилади. Бунда:

бир товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган соҳаларда (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизликни таъминлаш фаолияти бундан мустасно);

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рухсат бериш,

рўйхатга олиш ва аккредитациядан ўтказиш ваколати берилган соҳаларда давлат муассасалари ташкил этилмайди.

Давлат муассасаси нодавлат юридик шахслар ва жисмоний шахслар томонидан ёки улар билан биргаликда тузилиши мумкин эмас.

5. Давлат муассасаси монополияга қарши органнинг дастлабки розилиги олингандан сўнг ташкил этилади ёки қайта ташкил этилади.

Монополияга қарши орган томонидан давлат муассасасини ташкил этиш (қайта ташкил этиш) рад этилганда, давлат муассасаси рўйхатдан ўтказилмайди.

6. Давлат муассасаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда фаолият соҳасига тегишли бўлмаган уюшмалар (иттифоқлар) шаклидаги бирлашмалар тузиши ва уларга аъзо бўлиши мумкин.

7. Давлат муассасаси қонунларга, қонунчилик ҳужжатларига, ушбу Низомга ва ўзининг устави (низоми)га мувофиқ фаолият юритадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

8. Давлат муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорда ҳамда унинг устави (низоми)да ташкилий-ҳуқуқий шакли давлат муассасаси эканлиги кўрсатилади.

Давлат муассасаси, агар уни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган бўлади.

9. Давлат муассасаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Давактив агентлиги) давлат муассасасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги буйруғи мавжуд бўлганда, давлат хизматлари марказида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Давлат муассасаси давлат хизматлари марказида уни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш чоғида бир вақтнинг ўзида солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйилади.

Давлат муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

10. Давлат муассасасини ташкил этишнинг белгиланган тартибини бузиш ёки давлат муассасаси устави (низоми)нинг қонунчиликка мос келмаслиги уни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади.

Давлат муассасасини давлат рўйхатидан ўтказиш бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

11. Давлат муассасасининг устави (низоми) ҳамда ташкилий тузилмаси муассис томонидан, марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмалари тузилмалари муассис билан келишган ҳолда унинг раҳбари томонидан тасдиқланади (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

Давлат муассасасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари тузилмаларига, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, зарур ҳолларда, унинг раҳбари томонидан бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартириш киритилиши мумкин.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат муассасасининг марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларининг штатлар жадвали белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмасида рўйхатдан ўтказилади.

Агар давлат муассасаси тўғрисидаги низом ёки устав норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланиши белгиланган бўлса, низом ёки устав муассис томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

12. Давлат муассасаси устави (низоми)да қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

давлат муассасаси ва унинг муассиси номи (давлат, инглиз ва рус тилларида), жойлашган ери (почта манзили);

идоравий мансублиги, ҳудудий ва идоравий тузилмалари;

давлат муассасасининг асосий вазифалари, функциялари, фаолият йўналишлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

давлат муассасаси раҳбариятини шакллантириш тартиби;

давлат муассасасининг ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат, эксперт органлари (мавжуд бўлганда);

давлат муассасаси ва унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

давлат муассасасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги;

давлат муассасаси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда индикаторларини белгилаш тартиби;

давлат муассасасига бириктирилган ва ўз фаолияти давомида вужудга келган мулкларидан фойдаланиш шартлари;

давлат муассасаси ҳисобдорлиги;

давлат муассасасини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби;

давлат муассасасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Мазкур банднинг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан ташкил этилган республика даражасидаги давлат муассасаларининг устави (низоми)да кўрсатилади.

13. Давлат муассасасининг устави (низоми)га ўзгартириш ва қўшимчалар уни тасдиқлаган ташкилот ёки унинг ҳуқуқий вориси қарорига кўра киритилади.

14. Давлат муассасаси:

қайта ташкил этилганда ёки қайта ташкил этиш йўли билан бошқа юридик шахсга қўшиб юборилганда ёхуд ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилаётган давлат муассасасига ўтади, мол-мулки ҳамда молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлари

топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан янги ташкил этилган давлат муассасасига топширилади;

бўлинганда эса, молиявий мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ тақсимланади, бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги вазифалардан келиб чиқиб белгиланади.

Бунда солиқ органлари томонидан тугатилаётган давлат муассасасининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш талаб этилмайди.

## 3-боб. Давлат муассасасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

15. Давлат муассасаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ваколатига кирадиган масалалар ҳамда унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган қарорлар, буйруқлар, кўрсатмалар қабул қилиш, зарур бўлганда, бошқа давлат ташкилотлари билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ваколатига кирадиган масалаларда давлат органлари ва тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат муассасаси ваколатига кирадиган масалаларда белгиланган тартибда судларга аризалар ва даъволар киритиш;

агар қонунда белгиланган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва жарималар солиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан ташқари жамғармаларга эга бўлиш;

давлат муассасаси номидан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

давлат органлари ва манфаатдор шахслардан ўз ваколати доирасида зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Давлат муассасаси:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариши;

ўзи қабул қилган қарорлар ҳамда буйруқларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариши;

фаолиятини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиши ва бажариши;

ўзига бириктириб берилган мулклар, шу жумладан, кўчмас мулклардан мақсадли фойдаланиши;

ўзига юкланган вазифа ва функциялар доирасида фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Давлат муассасасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

17. Давлат муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги маблағлар

билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, муассис давлат муассасасининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

18. Давлат муассасаси муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

19. Давлат муассасасининг филиали ва ваколатхонаси мажбуриятлари бўйича уларни ташкил этган муассис жавоб беради.

20. Давлат муассасаси давлат активларини, шу жумладан, уларнинг товар-моддий бойликлари ва бошқа мол-мулкларининг бут сақланиши бўйича моддий жавобгар ҳисобланади.

## 4-боб. Давлат муассасаси раҳбарининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

21. Давлат муассасасининг раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат муассасаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

давлат муассасаси ходимлари билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

давлат муассасаси ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқларни қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

давлат муассасаси номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш.

Давлат муассасасининг раҳбари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Давлат муассасасининг раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан давлат муассасасига юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиши;

давлат муассасаси олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиши ва назорат қилиши;

давлат сирига оид маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режалари ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда мезонларига сўзсиз эришилишини таъминлаши;

фаолиятини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар, чора-тадбирлар режаси, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Давлат муассасасининг раҳбари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

### 5-боб. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

23. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат муассасаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар, буйруқлар ва кўрсатмалар чиқариш, зарур бўлганда, бошқа давлат ташкилотлари билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

давлат муассасасининг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режаларини ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тасдиқлаш, уларнинг натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, ҳисобот якунлари бўйича зарур чоралар кўриш, бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, давлат муассасасининг раҳбари билан меҳнат шартномасини тузиш ёки тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

давлат муассасасининг раҳбарини тайинлаш, жумладан, қонунчиликка асосан танлов натижалари бўйича тайинлаш, меҳнат қонунчилигига мувофиқ у билан меҳнат шартномасини тузиш;

давлат муассасасининг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини олиб қўйиш ва белгиланган тартибда тасарруф этиш;

ўз таркибига кирадиган ташкилотларга тегишли давлат кўчмас мулки объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш тўғрисида Давактив агентлиги билан келишувга кўра қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

тугатилаётган давлат муассасаси кредиторларининг талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулкларини олиш;

давлат муассасасининг мулкига оид битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш, шунингдек, давлат муассасасига етказилган зарарларни ундириш тўғрисида ушбу давлат муассасаси раҳбарига нисбатан судга даъво аризаси киритиш.

Муассис қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Муассис:

давлат муассасасининг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режаларини ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари бажарилиши бўйича ҳисоботини эшитиши ва уларнинг бажарилишини доимий назорат қилиши;

давлат муассасасига берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек, унинг бегоналаштирилишини назорат қилиши;

давлат мулки объектларини сақлаш ва бўш турган қисмидан самарали фойдаланишни ташкил қилиши;

давлат муассасасининг ўз мажбуриятлари ҳамда тугатилаётган давлат муассасасининг мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, унинг харажатлари қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган маблағлар, шу жумладан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаб берилиши шарт.

Муассисга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

## 6-боб. Давлат муассасасининг мулки

25. Қуйидагилар давлат муассасасининг мулки ҳисобланади:

муассис томонидан давлат муассасасига оператив бошқарув ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ўз маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилган мулклар.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

26. Ташкил этилган давлат муассасасида давлат мулкини оператив бошқариш ҳуқуқи топшириш ва қабул қилиш далолатномаси давлат муассасаси раҳбари ва муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб юзага келади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

27. Давлат муассасасининг мулки давлат муассасаси ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

28. Давлат муассасасининг мулки қуйидаги ҳолларда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда муассис билан келишган ҳолда тасарруф этилади:

асосий воситаларни сотиш, ҳисобдан чиқариш (бинолари ва иншоотлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари, қурилиш соҳасидаги лойиҳалаштириш ташкилотлари, махсус лицензияга эга бўлган ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг хулосасига мувофиқ яроқсиз деб топилган ҳамда ваколатли органлар томонидан бузиш тўғрисида қарор қабул қилинган кўчмас мулк объектларини бузиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари розилиги билан автотранспорт воситаларини харид қилиш, бино ва иншоотларни сотиб олиш ва/ёки қуриш;

мулкни давлат муассасаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бино ва иншоотлар (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар), шунингдек, давлат муассасасига тегишли акциялар (улушлар) Давактив агентлиги томонидан сотилади, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли мол-мулклар (бино ва иншоотлар, акциялар, улушлар ва бошқалар) ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларни), шунингдек, давлат муассасасига тегишли акцияларни (улушларни) сотишдан тушган маблағлар уларни сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат муассасаларига хўжалик жамиятларини таъсис этиш ҳамда уларнинг устав фонди (устав капитали)да иштирок этиш тақиқланади.

30. Давлат муассасасининг бино ва иншоотлари (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари), автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини сотиш ва ижарага бериш, шунингдек, уларга тегишли акцияларни (улушларни) сотиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда «E-auksion» электрон савдо платформасида аукцион савдолари орқали амалга оширилади.

31. Давлат муассасасининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш ёки бузиш қуйидаги шартлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқ сотиладиганлари бундан мустасно:

белгиланган хизмат муддатининг тамом бўлиши (тўлиқ яроқсиз деб топилиши);

уларнинг жисмоний эскириши, авариялар, табиий офатлар, фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши оқибатида яроқсиз ҳолга келиши;

маънавий эскириши;

давлат муассасалари бинолари қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, модернизация қилиниши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшаб қолиши;

фойдаланиш зарурати бўлмаганда.

32. Давлат муассасасининг оператив бошқарувида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек, давлат муассасасининг шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулки ҳам унинг оператив бошқарувига ўтади.

33. Давлат муассасасининг мол-мулки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан гаровга қўйилади. Бунда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган хусусийлаштирилмайдиган давлат мулклари, шунингдек, хўжалик жамият-

ларига ўзгартирилаётган давлат муассасалари мулкларини гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

34. Давлат муассасаси ўз таркибига кирадиган ташкилотларга тегишли кўчмас мулкни бир ташкилотдан бошқа бирига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш тўғрисидаги қарорни Давактив агентлиги билан келишувга кўра қабул қилади.

35. Давлат муассасасининг кўчмас мулк объекти ва бўш ер участкалари негизида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар давлат шериги томонидан тегишли битим тузилгандан сўнг ўн кун муддатда «Давлат мулки» ахборот тизимига киритилади.

36. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг давлат кўчмас мулки негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва уларнинг тизимидаги корхоналарга учинчи шахслар томонидан инвестиция киритилишига оид келишувлари (битим, шартнома, меморандумлар) бўйича мажбурий тартибда Давактив агентлигининг хулосаси олинади.

37. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан давлат муассасаси ходимлари сонига давлат кўчмас мулки объектларининг ишчи хоналари майдони ҳисоб кўрсаткичлари мос келиши лозим.

38. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий органлари давлат муассасасининг оператив бошқарув ҳуқуқидаги кўчмас мулкни хатлаши ва мажбурий реализация қилиши мумкин эмас, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 7-боб. Давлат муассасасининг филиаллари ва ваколатхоналари

39. Давлат муассасаси муассис билан келишган ҳолда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмасдан филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларни белгиланган тартибда ёпиши мумкин.

40. Давлат муассасасининг филиаллари ва ваколатхоналари уларнинг муассиси номидан тасдиқланган устав (низом)лари асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган муассис томонидан мол-мулк билан таъминланади.

41. Давлат муассасасининг филиали ёки ваколатхонаси раҳбари давлат муассасасининг раҳбари томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда, ишончнома давлат муассасасининг муассиси раҳбари томонидан бекор қилинади.

## 8-боб. Давлат муассасаси фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги

42. Давлат муассасаси фуқароларнинг ахборотни эркин излаш ва олишга доир ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қонунчиликда белгиланган тартибда ўз фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва ҳисобдорлигини таъминлаши шарт.

43. Давлат муассасаси ўз расмий веб-сайтида ўзининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради ҳамда уларнинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминлайди.

Очиқ маълумотлар порталида фойдаланувчилар учун қулай форматларда кўриш имкониятини яратган ҳолда муассасанинг юқори турувчи ташкилоти, кўчмас мулк объектлари, қурилиши тугалланмаган объектлари ва автотранспорт воситалари, режалаштирилган ва амалга оширилган харажатлар таркиби ҳақидаги ва бошқа маълумотларни (тижорат сири мавжуд ёки чекланган ҳолда тарқатиладиган маълумотлар бундан мустасно) эълон қилиб боради.

Давактив агентлигининг «property.davaktiv.uz» ахборот тизимига ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи 25-санасига, йил якунлари бўйича эса кейинги молия йилининг 25 февралига қадар ҳисоб объектларининг жорий ҳолати, шунингдек, молиявий кўрсаткичлари, жумладан, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлар тўғрисидаги маълумотларни киритиб боради.

## 9-боб. Давлат муассасасининг фаолиятини назорат қилиш

44. Давлат муассасаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳар йили ҳисобот даври тугагач, муассисга ва бошқа ваколатли органларга давлат муассасаси фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

45. Бюджетдан молиялаштириладиган давлат муассасаларида бюджет тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

Даромад келтириладиган фаолият тури билан шуғулланадиган давлат муассасаларида қонунчиликда белгиланган тартибда ички аудит хизмати жорий этилади ва ташқи аудит ўтказилади.

46. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар давлат муассасаси раҳбари зиммасига юкланган вазифалар самарали бажарилиши юзасидан уларнинг фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, мониторинг натижаларига кўра давлат муассасаси фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

47. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича юқори кўрсаткичга эришган давлат муассасасининг раҳбарияти ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган камчиликлари учун интизомий жавобгарликка тортилади.

48. Ҳужжатларнинг сақланиши ва белгиланган тартибда сақлашга берилиши учун давлат муассасаси раҳбари жавоб беради.

## 10-боб. Давлат муассасасини тугатиш

49. Давлат муассасаси қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

фаолият кўрсатиш муддати тугаганда;

уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганда;

ташкил қилиш вақтида қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланганда;

суд давлат муассасасини давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;

агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, суднинг қарорига кўра;

охирги олти ой мобайнида фаолият кўрсатмаётган бўлса;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

50. Агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, муассис ёки давлат муассасасини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат муассасасини тугатиш ҳамда тугатувчини (вакилни) тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Давлат муассасаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин олти ойдан ошмаган муддатда тугатилиши зарур.

51. Тугатилаётган давлат муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилган ҳудуддаги солиқ органи томонидан унинг молия-хўжалик фаолияти текширилади, унинг муддати ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

Текширишда давлат муассасасининг охирги текшириш ўтказилган санадан бошлаб (агар давлат муассасасини текшириш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб амалга оширилмаган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб) давлат муассасасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида давлат хизматлари маркази хабардор қилинган санагача бўлган давр мобайнидаги молия-хўжалик фаолияти қамраб олинади, бироқ ушбу давр уч йилдан ошмаслиги зарур.

52. Давлат муассасасини тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи (вакил) юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

53. Давлат муассасаси ўз мажбуриятларини ихтиёридаги маблағлар ҳисобига бажаради, бу маблағлар етарли бўлмаса, унинг муассиси томонидан бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб берилади.

Бу маблағлар етарли бўлмаса, унинг муассиси тугатилаётган давлат муассасасининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини қабул қилади.

54. Тугатилаётган давлат муассасасининг маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, кредиторлар ўз талабларининг

қолган қисмини ушбу давлат муассасасининг муассиси ҳисобидан қондириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

55. Тугатилиши белгиланган давлат муассасасининг мол-мулклари кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан муассисга ўтказилади.

56. Давлат муассасасини тугатиш ишларининг сифатли, тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият ушбу давлат муассасасининг муассисига юкланади.

57. Давлат муассасаси тугатилганда, давлат хизматлари марказларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан чиқарилади.

## 11-боб. Якунловчи қоидалар

58. Ушбу Низом қоидалари қўлланиши билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

59. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

60. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан айрим турдаги давлат муассасаларининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқлари белгиланиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 21 июлдаги 302-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-бандда:

а) «е» кичик банддан «киритади» сўзи чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги «ж» ва «з» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«ж) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бюджетдан молиялаштириладиган давлат ташкилотларининг молиявий кўрсаткичлари, жумладан, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлар тўғрисидаги маълумотларни;

з) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси давлат ташкилотларининг молиявий кўрсаткичлари, жумладан, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олинган тушумлар тўғрисидаги маълумотларни киритади».

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Давлат ташкилотлари томонидан ҳисоб объектларининг жорий ҳолати, шунингдек, молиявий кўрсаткичлари, жумладан, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимига ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот давридан кейинги ойининг 25-санасига, йил якунлари бўйича эса кейинги молия йилининг 25 февралига қадар киритиб борилади».

3. 9-банд қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) молиявий ҳисоботлари:

молиявий кўрсаткичлари, жумладан, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлар».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 306 Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 12 июндаги ПФ–91-сон Фармони ҳамда «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 23 февралдаги ПҚ–70-сон қарори, шунингдек, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш орқали ишсиз аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 12 июндаги ПФ–91-сон Фармони ҳамда «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 23 февралдаги ПҚ–70-сон қарорида:

а) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги;

б) Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан тадбиркорлик субъектларига қуйидаги субсидияларни ажратиш:

касаначиликни ташкил этган маҳаллалар жойлашган ҳудуддан қатъи назар, ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида;

2025 йил 1 январга қадар касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда;

касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда;

касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 июлда эълон қилинган.

нодавлат таълим ташкилотларида касаначилик йўналишида ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчига касбга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ошмаган миқдорда;

в) Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан туман (шаҳар)ларнинг тоифасига қараб:

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача;

шогирдларга — мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш харажатларининг 75 фоиздан ошмаган, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 75 фоиздан ошмаган, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

Ҳунармандларнинг «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача;

г) Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жалб қилинган ҳар бир касаначи учун 1 миллион сўмгача, бироқ 2 йилгача муддатга жами 150 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратиш;

д) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Жамоат ишлари жамғармасига касаначиликни қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ажратиладиган субсидиялар учун кўзда тутилган маблағлар Жамғармага йўналтирилиши, 2024 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу маблағлар Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун ажратилиши кўзда тутилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби;

тадбиркорлик субъектларига субсидиялар ва ссуда ажратиш тартиби;

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини бошқариш ва молиялаштириш тартиби;

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, иш берувчилар томонидан ҳомиладорли-

ги ёки фарзанди борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш каби ҳолатлар бўйича мурожаатларни қабул қиладиган «Call-марказ»ни ишга туширсин;

Вазирликка «Call-марказ» орқали фуқаролардан тушаётган барча мурожаатларни умумлаштириш ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқиш, ушбу мурожаатлар бўйича ташкилотлардан зарур маълумотларни талаб қилиш, шунингдек, қонунчилик талабларининг бузилиш ҳолатлари аниқланганда, белгиланган тартибда таъсир чораларини қўллаш ваколати берилсин.

4. Қуйидагилар:

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ;

Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига фоизсиз ссуда ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Республика ижро этувчи ҳо-

кимият органларининг номланиши билан боғлиқ тегишли ўзгартиришлар киритиш;

касаначиларга ҳар йилги меҳнат таътили муддати ҳамда меҳнат дафтарчаларини юритиш қоидаларини Меҳнат кодекси нормаларига мувофиқлаштириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 10-иловага мувофиқ айрим ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июль,
307-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари шакллантирилиши ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш учун республика даражада ташкил этилади.

3. Республика даражада ташкил этилган Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

### 2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган трансфертлар;

халқаро молия институтлари грантлари, жисмоний ва юридик шахслар ва бошқа хорижий донорларнинг ҳомийлик хайриялари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан фоиз шаклида олинадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағлари солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғармани молиялаштиришга ажратиладиган трансфертларнинг ҳажми ҳар йили аниқлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларида тасдиқланади.

6. Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда хайрия жамғармаларининг, жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари қонунчиликда белгиланган тартибда Жамғарманинг Ғазначилик хизмати кўмитасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларига келиб тушади, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар ёки хорижий грантларни бериш шартларида бошқача тартиб назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

## 3-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш ва молиялаштириш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари тегишли равишда Жамғарма маблағларини тасарруф этувчилар ҳисобланади.

8. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

а) тадбиркорлик субъектларига ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида бир марталик субсидия улар касаначиликни ташкил этган маҳаллалар жойлашган ҳудудидан қатъи назар ажратилади;

б) тадбиркорлик субъектларига қуйидаги субсидиялар ажратилади:

2025 йил 1 январга қадар касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда бир марталик;

касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда;

касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни уч

ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда;

давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначилик йўналишида ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчига касбга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробаридан ошмаган миқдорда;

давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитилган касаначиларни малака имтиҳонларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни банд бўлмаган ҳар бир шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда.

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан туман (шаҳар)ларнинг тоифасига қараб:

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун 1 — 3 тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, 4-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача ва 5-тоифа туман (шаҳар) лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача;

шогирдларга — мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун 1 — 3 тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун 1 — 3 тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар) лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

ҳунармандларнинг «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар бир жалб қилинган касаначи учун 1 миллион сўмгача, бироқ жами 150 миллион сўмгача 2 йилгача муддатга фоизсиз ссуда ажратилади. Бунда мазкур ссудани тадбиркорлик субъектлари талабига биноан касаначиларнинг банк карталарига ўтказиб берилишига рухсат этилади.

9. Жамғарма маблағларини мазкур Низомда назарда тутилмаган мақсадлар учун сарфлашга йўл қўйилмайди.

## 4-боб. Жамғарманинг Ишчи органи

10. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Молия-иқтисод бошқармаси Жамғарманинг Ишчи органи ҳисобланади.

11. Жамғарманинг Ишчи органи:

Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича прогнозни ва ҳисобот балансларини шакллантиради;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот юритилишини таъминлайди ҳамда иқтисодиёт ва молия органларига юборади;

Жамғарманинг молиявий ҳисоботи ишончлилигини таъминлайди;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича изоҳлар ва таклифлар беради;

фаолиятини касаначилик асосида ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидиялар ажратиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

касаначилик асосида иш фаолиятини ташкил этган ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидия ва ссудалар ажратилган тадбиркорлик субъектларининг иш натижадорлигини таҳлил қилиш.

12. Жамғарманинг йил якуни бўйича маблағлари қолдиғи олиб қўйилмайди ва кейинги молия йили учун даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда инобатга олинади.

## 5-боб. Жамғарманинг тушуми ва маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда жавобгарлик

13. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари Жамғарманинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун жавоб беради.

14. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ички аудит хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

15. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

16. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — талабгор) субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Касаначиликни ташкил этган талабгорга ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида бир марталик субсидия ажратилади.

3. Талабгорга субсидия туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи) томонидан мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича ажратилади.

## 2-боб. Мурожаат қилиш тартиби

4. Талабгор касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, талабгорнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилади, шунингдек, мурожаатга касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори тўғрисидаги маълумотнома (ёки касаначининг дастлабки уч ой давомидаги фаолияти учун тўловлар банк орқали тўланганлигини тасдиқловчи маълумотнома) илова қилинади.

## 3-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

5. Маҳаллий меҳнат органи талабгор томонидан субсидия олишни сўраб

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тақдим этилган ҳужжатларни 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади. Бунда субсидия бериш учун талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида (кейинги ўринларда — Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда расмийлаштирилганлигига камида 3 ой ўтганлиги асос ҳисобланади.

6. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, унда барча зарур маълумотлар кўрсатилганлиги, касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси расмийлаштирилганлигига камида уч ой ўтганлиги, Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори ҳаққонийлиги тасдиқланганда, маҳаллий меҳнат органи талабгорга касаначиликни ташкил этганлиги учун субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати (мурожаат тушгандан сўнг 3 иш кунидан ошмаган муддатда) кўрсатилиши лозим.

Бунда маҳаллий меҳнат органи томонидан касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдорининг ҳаққонийлиги туман (шаҳар) Солиқ инспекциясидан маълумот олиш йўли билан ёки «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали текширилади.

7. Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда;

касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори тўғрисидаги маълумот ҳаққонийлиги тасдиқланмаса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

8. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

9. Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичида ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган миқдорда бир марталик субсидия ажратилади.

### 4-боб. Якунловчи қоидалар

10. Мазкур Низомда ажратилиши белгиланган субсидияни олаётган та-

лабгор бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишсиз шахслар бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.

11. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — талабгор) касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга (кейинги ўринларда — касаначи) асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Талабгорга ҳар бир касаначига асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади.

3. Талабгорга субсидия туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими (кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи) томонидан мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича ажратилади.

## 2-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

4. Талабгор касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, талабгорнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси илова қилиниши шарт.

Бунда талабгор мурожаатда касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб, субсидия ҳисобидан харид қилинадиган асбоб-ускуналар ва хом ашё номи ва тури, аниқ харид нархини кўрсатиши лозим.

5. Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Бунда субсидия бериш учун талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида (кейинги ўринларда — Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги, шунингдек, касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган фуқаролар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилганлиги ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да турганлиги асос ҳисобланади.

6. Маҳаллий меҳнат органи томонидан талабгорнинг харид қиладиган асбоб-ускуналар ва хом ашё нархи давлат харидларининг электрон тизими ёки бошқа очиқ манбаларнинг маълумотларидан фойдаланиш орқали ўрганилиши мумкин. Ўрганиш натижаларига мувофиқ асбоб-ускуналар ва хом ашёнинг нархини талабгор томонидан бозордаги ушбу асбоб-ускуналар ёки хом ашёнинг ўртача нархи қийматига тенг (ёки ундан юқори) белгиланганлиги маҳаллий меҳнат органи харид комиссияси қарори билан тасдиқланади.

7. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, унда барча зарур маълумотлар кўрсатилган ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги, касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган фуқаролар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилганлиги ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да турганлиги тасдиқланганда маҳаллий меҳнат органи ва талабгор ўртасида ижтимоий контракт тузилади.

8. Ижтимоий контракт тузилгандан сўнг касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб, асбоб-ускуна ва хом ашёни харид қилиш харажатларини қоплаш учун маҳаллий меҳнат органи томонидан талабгорга субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилинади. Қарорда субсидия миқдори ва уни ажратиш муд-

дати (мурожаат тушгандан сўнг 3 иш кунидан ошмаган муддатда) кўрсатилиши лозим.

9. Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичида талабгорга ҳар бир касаначига асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади.

10. Субсидия ажратилгандан сўнг 10 кун ичида талабгор ҳар бир касаначи учун асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилинганлиги ва касаначига бепул берилганлиги ҳамда асбоб-ускуналар ва хом ашёнинг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддатини кўрсатган ҳолда ижтимоий контракт тузилган маҳаллий меҳнат органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11. Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда;

касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган фуқаролар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилмаганлиги тасдиқланганда;

харид қилинадиган асбоб-ускуна ва хом ашёнинг нархи қасддан юқори қилиб кўрсатилганлиги аниқланса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

12. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

## 3-боб. Касаначининг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналар ҳамда хом ашёга ажратилган субсидияни қайтариб олиш тартиби

13. Маҳаллий меҳнат органи ҳамда ҳоким ёрдамчиси ажратилган субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна асосида ишлаётган касаначининг фаолияти самарадорлигини бир ойда бир маротаба олти ой давомида мониторинг қилиб боради.

14. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра ижтимоий контрактда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда субсидия асосида харид қилинган асбоб-ускуналар ва хом ашёдан фойдаланилмаётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборилади.

15. Субсидия ажратилган талабгор хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.

16. Хабарнома тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг) маҳаллий меҳнат органи ва ҳоким ёрдамчиси субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна ва хом ашё билан фаолият юритаётган касаначилар фаолиятининг самарадорлигини қайта мониторинг қилади.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратилган талабгордан ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қилади, ижтимоий контрактни бир томонлама бекор қилади ва субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборади.

Хабарномада субсидия ажратилган талабгор томонидан ажратилган субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

17. Субсидия ажратилган талабгор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Мазкур Низомда ажратилиши белгиланган субсидияни олаётган талабгор бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишсиз шахслар бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
4-ИЛОВА

## Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида шакллантирилган давлат буюртмасига мувофиқ давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш ҳамда уларга малака сертификати беришни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари** — давлат буюртмаси асосида ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;

**ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш бўйича давлат буюртмаси** (кейинги ўринларда — давлат буюртмаси) — меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш учун бериладиган буюртма.

3. Касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган шахсларни (кейинги ўринларда — касаначи) касаначилик йўналишида қуйидаги ҳолларда касбга ўқитилади:

касби мавжуд бўлмаганда;

мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни ўзгартириш зарурати бўлганда;

касбий кўникмалари мавжуд ёки етарли бўлмаганлиги, касбига доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;

аввалги касби бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

4. Касаначилар:

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиш масканларида;

вазирлик ва идоралар тизимидаги профессионал таълим ташкилотларида ташкил этилган қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курсларида;

нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш ташкилотларида касбга ўқитилади.

### 2-боб. Давлат буюртмасини шакллантириш

5. Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида

касаначилар ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ касбга ўқитилади.

6. Туман (шаҳар) ҳокимликлари туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари билан биргаликда келгуси йил учун жорий йилнинг 10 декабрига қадар:

ҳудудларда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг касаначилик йўналишларида малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганади;

касбга ўқитишга эҳтиёжи бўлган фуқароларнинг касаначилик фаолияти йўналишлари асосида касблар бўйича давлат буюртмасини ишлаб чиқади;

ишлаб чиқилган давлат буюртмасини тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашларига (кейинги ўринларда — ҳудудий кенгашлар) тақдим этади.

7. Ҳудудий кенгашлар тақдим этилган давлат буюртмаларини умумлаштириб, таҳлил қилади ва беш кун ичида тасдиқлайди.

Давлат буюртмасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар ҳудудий кенгашлар томонидан киритилади.

## 3-боб. Давлат буюртмаси асосида касаначиларни касбга ўқитишга йўналтириш

8. Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари:

ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган касбга ўқитиш бўйича белгиланган давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг йиллик ўқитиш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш тақсимотини ишлаб чиқади;

ўқитиш тақсимотига асосан давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначиларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш ишларини ташкил этади;

касбга ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиб боради;

касбга ўқитилган касаначиларни касаначилик фаолияти йўналишлари бўйича уларнинг касбий малака даражасини баҳолаш учун малакани баҳолаш марказларига юборади.

## 4-боб. Давлат буюртмаси асосида касаначилик йўналишида касбга ўқитилган касаначиларнинг малака даражасини баҳолаш

9. Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқиган касаначиларнинг малака даражасини баҳолаш учун уларнинг малакани баҳолаш марказларига, шу жумладан,

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ишга марҳамат» мономарказларида ташкил этилган малакани баҳолаш марказларига юборилишига кўмаклашади.

Бунда давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитилган касаначилар малака даражасини баҳолатиш учун ўзлари ихтиёрий равишда мурожаат қилиши мумкин.

10. Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитилган касаначиларни малака даражасини баҳолаш учун малакани баҳолаш марказларига юборади ҳамда малака имтиҳонларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни банд бўлмаган ҳар бир шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб беради.

11. Малакани баҳолаш марказлари томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ–4939-сон қарори билан тасдиқланган Малака даражаларига эришиш схемаси асосида касбга ўқитилган касаначилар малакаси баҳоланади;

баҳолашдан муваффақиятли ўтган касаначиларга ўн кун ичида малака сертификати берилади.

## 5-боб. Касаначиларни касаначилик йўналишида касбга ўқитишни молиялаштириш

12. Касаначиларни касбга ўқитиш билан боғлиқ фаолият Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида молиялаштирилади.

Бунда давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначилик йўналишида ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчига касбга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ошмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилади.

## 6-боб. Якунловчи қоида

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида**

# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — талабгор) касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг (кейинги ўринларда — ногиронлиги бўлган шахс) иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Талабгорга ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш учун мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

3. Талабгорга субсидия туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими (кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи) томонидан мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича ажратилади.

## 2-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

4. Талабгор ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштиргандан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

5. Талабгорнинг мурожаатида ногиронлиги бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойларини мослаштириш учун сарфланган харажатларнинг асосли ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумот, талабгорнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш,

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилиниши шарт.

6. Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларида (кейинги ўринларда — Солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари) субсидия бериш учун талабгор ва ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси рўйхатдан ўтказилганлиги ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳамда иш жойини ногиронлиги бўлган шахсга мослаштириш учун сарфланган харажатларнинг асосли ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумот.

7. Маҳаллий меҳнат органи томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва асосли деб топилганда, талабгорга ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш харажатларини қоплаш учун мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилинади. Қарорда субсидия миқдори кўрсатилиши лозим.

8. Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичида талабгорга ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

9. Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларида мавжуд бўлмаганда;

ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топмаса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

10. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

## 3-боб. Касаначилик ва ҳунармандчилик фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ажратилган субсидияларни қайтариб олиш тартиби

11. Ҳоким ёрдамчиси:

ажратилган субсидия ҳисобидан касаначилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда талабгор ва касаначи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномага асосан фаолият олиб бораётганлигини;

ажратилган субсидия ҳисобидан ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда якка тартибда тадбиркор сифатида фаолият олиб бораётганлигини олти ой давомида мониторинг қилади.

12. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра талабгор томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги аниқланса, ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборилади.

13. Субсидия ажратилган талабгор хабарномани олган кундан эътиборан бир ой ичида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.

14. Маҳаллий меҳнат органига хабарнома келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг) ҳоким ёрдамчиси томонидан қайта мониторинг ўтказилади.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи талабгордан субсидияни қайтариш юзасидан қарор қабул қилади ва субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборади.

Хабарномада субсидия ажратилган талабгор томонидан субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

15. Субсидия ажратилган талабгор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

16. Мазкур Низомда ажратилиши белгиланган субсидияни олаётган талабгор бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишсиз шахслар бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — талабгор) касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Талабгорга касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 барав족 баравригача миқдорда субсидия ажратилади.

3. Талабгорга субсидия туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими (кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи) томонидан мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича ажратилади.

## 2-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

4. Талабгор касаначиларни касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари), касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака ошириш жойи, ўқиш муддати, ўқитиладиган касб йўналиши номи кўрсатилиши, мурожаатга касаначи билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги меҳнат шартномаси ёки пудрат шартномаси илова қилиниши шарт.

---

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда талабгор мурожаатда касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажат миқдорини кўрсатиши лозим.

5. Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Бунда субсидия бериш учун талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида (кейинги ўринларда — Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги асос ҳисобланади.

6. Маҳаллий меҳнат органи томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ, барча ҳужжатлар тақдим этилган ҳамда ёлғон маълумотлар кўрсатилмаган деб топилганда, мурожаат қилган талабгорга ҳар бир касаначига касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида буйруқ қабул қилинади.

7. Субсидия ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу буйруқ нусхасини бир кун муддатда юборади.

8. Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги буйруғидан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

9. Талабгор касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака оширган касаначининг ўқиш якунланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ушбу касаначининг ўқишни якунлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини маҳаллий меҳнат органига тақдим этиши шарт.

## 3-боб. Касаначини касб-ҳунарга ўқитиш самарадорлигини мониторинг қилиш ва касб-ҳунарга ўқитиш учун ажратилган субсидияларни қайтариб олиш тартиби

10. Маҳаллий меҳнат органи ҳамда ҳоким ёрдамчиси ажратилган субсидия ҳисобидан касаначиларнинг касб-ҳунар ўрганаётганлигини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилади.

11. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра талабгор томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда касаначи касб-ҳунар ўрган-

маётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи ходими ва ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборилади.

12. Талабгор хабарнома олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.

13. Хабарнома тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун ўн беш кун муддатдан сўнг) маҳаллий меҳнат органи ва ҳоким ёрдамчиси касб-ҳунарга ўқитишни қайта мониторинг қилади.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи талабгорга ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қилади ва унга хабарнома юборади.

Хабарномада талабгор томонидан ажратилган субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

14. Талабгор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

15. Мазкур Низомда ажратилиши белгиланган субсидияни олаётган талабгор бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишсиз шахслар бандлигига кўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
7-ИЛОВА

# Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар туман (шаҳар)ларнинг тоифасига қараб қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун — 6 ой давомида ҳар ойда 1 — 3-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, 4-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача ва 5-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача;

шогирдларга — мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун 1 — 3-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун 1 — 3-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар) лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

ҳунармандларнинг «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача.

3. Талабгорга субсидия туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими (кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи) томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича ажратилади.

---
* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 2-боб. «Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун субсидия ажратиш

4. «Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳунармандлар (кейинги ўринларда — ҳунарманд) шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ҳунарманднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун сўралаётган субсидия тури, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, банк реквизитлари кўрсатилади, шунингдек, «уста-шогирд» анъаналари асосида шогирд сифатида қабул қилган меҳнатга лаёқатли ёшларнинг (фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда) рўйхати илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун ҳунарманд жавобгар ҳисобланади.

5. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни ўрганади:

ҳунарманд ҳақиқатда «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси эканлигини;

ҳунарманд сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) жойига чиққан ҳолда қуйидагиларни ўрганади:

ёшларнинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунармандлардан ҳунар ўрганаётганлигини;

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашёга эҳтиёжини;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилади:

ҳунарманднинг «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолиги;

ёшлар ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунармандлардан ҳунар ўрганаётганлиги;

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашёга эҳтиёжи мавжудлиги;

г) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг «в» кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича ҳунарманднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

6. Агарда ҳунарманд мазкур Низомнинг 5-банди «а» ва «б» кичик бандларига мос келмаса ёки нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ҳунармандга хабарнома юборади.

7. Маҳаллий меҳнат органи икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва тавсия билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда тавсия ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида маҳаллий меҳнат органининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчисига ва ҳунармандга хабарнома юборади.

8. Маҳаллий меҳнат органи ҳунармандга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун — 6 ой давомида ҳар ойда 1 — 3-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, 4-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача ва 5-тоифадаги туман (шаҳар) лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда субсидия ажратади ҳамда субсидияни икки иш куни ичида устанинг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

9. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан берилган тавсия ва юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, маҳаллий меҳнат органи томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда ҳоким ёрдамчисига ва ҳунармандга хабарнома юборади.

10. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

## 3-боб. «Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганган шогирдга мустақил ўз фаолиятини бошлаш учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга субсидия ажратиш

11. «Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганган шогирд (кейинги ўринларда — шогирд) мустақил ўз фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада шогирднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, сўралаётган субсидия тури, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик маълумотномаси кўрсатилади, шунингдек, «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун шогирд жавобгар ҳисобланади.

12. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлайди;

б) жойига чиққан ҳолда қуйидагиларни ўрганади:

шогирднинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунарманддан ҳунар ўрганганлигини;

мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжини;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилади:

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

шогирднинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунарманддан ҳунар ўрганганлиги;

мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжи мавжудлиги;

г) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг «в» кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича шогирднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

13. Агарда шогирд мазкур Низомнинг 12-банди «а» ва «б» кичик бандларига мос келмаса ёки жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда шогирдга хабарнома юборади.

14. Маҳаллий меҳнат органи икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва тавсия билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда тавсия ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) шогирдга мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун 1 — 3-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача субсидия ажратиш тўғрисида маҳаллий меҳнат органининг тегишли буйруғи қабул қилинади.

Буйруқда асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг номи ва уларни харид қилиш учун ажратиладиган субсидия миқдори кўрсатилади.

15. Маҳаллий меҳнат органи буйруқ расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш кунида Электрон давлат харидлари портали (dxarid.uzex.uz) орқали буйруқда кўрсатилган асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш бўйича буюртма беради.

Буюртмада етказиб берувчига маҳаллий меҳнат органининг юридик манзили ёки шогирднинг манзили кўрсатилади.

16. Асбоб-ускуна ва жиҳозлар шогирдга далолатнома асосида етказиб берувчи ва маҳаллий меҳнат органи томонидан топширилади.

17. Агарда ҳоким ёрдамчиси берган тавсия ва юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, маҳаллий меҳнат органи томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда ҳоким ёрдамчисига ва «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганган шогирдга хабарнома юборилади.

18. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

## 4-боб. Усталарга интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун субсидия ажратиш

19. «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган шахслар (кейинги ўринларда — уста) интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ёки реклама харажатлари учун ажратиладиган субсидияларнинг айнан бир турини танлаган ҳолда, харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада устанинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, сўралаётган субсидия тури, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, банк реквизитлари кўрсатилади, шунингдек, электрон дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи юридик шахс (кейинги ўринларда — дастурчи) билан тузилган шартнома нусхаси илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун уста жавобгар ҳисобланади.

20. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни ўрганади:

устани ҳақиқатда «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолигини ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;

дастурчининг солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлигини;

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилади:

устанинг ҳақиқатда «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги;

интернет сайтларини ташкил этиши, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариши ёки рекламанинг айнан бир тури бўйича дастурчи билан тузилган шартноманинг мавжудлиги;

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

в) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича устанинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

21. Агарда уста мазкур Низомнинг 20-банди «а» кичик бандида кўрсатилган талабларга мос келмаса ёки нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда устага хабарнома юборади.

22. Маҳаллий меҳнат органи икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва тавсия билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда тавсия ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида маҳаллий меҳнат органининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчисига ва устага хабарнома юборади.

23. Маҳаллий меҳнат органи уста ва дастурчи ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган умумий сумманинг, 1 — 3-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратади ҳамда икки иш куни ичида субсидияни устанинг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

24. Агарда ҳоким ёрдамчиси берган тавсия ва юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, маҳаллий меҳнат органи томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда ҳоким ёрдамчисига ва устага хабарнома юборади.

25. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

## 5-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳунармандларнинг «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

26. Ҳунармандлар (кейинги ўринларда — ҳунарманд) ўзларининг «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия

ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ҳунарманднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун тўлаш лозим бўлган ҳисобварақ ва сўралаётган субсидия миқдори кўрсатилади, шунингдек, «Ҳунарманд» уюшмасининг бадиий кенгаши қарори нусхаси илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун ҳунарманд жавобгар ҳисобланади.

27. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали ҳунарманд сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини ўрганади;

б) ўрганиш натижалари ҳунарманднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ҳамда тавсияни «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали маҳаллий меҳнат органига юборади.

Бунда тавсияда ҳунарманднинг тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ва сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Тавсияда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

28. Агарда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ҳунармандга хабарнома юборади.

29. Маҳаллий меҳнат органи икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва тавсия билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда тавсия ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида маҳаллий меҳнат органининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчисига ва ҳунармандга хабарнома юборади.

30. Маҳаллий меҳнат органи «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратади ҳамда икки иш куни ичида «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун тўлаш лозим бўлган ҳисобварақққа субсидияни ўтказиб беради.

31. Ҳунарманд субсидия ажратилгандан сўнг беш иш кунида «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик гувоҳномаси нусхасини ҳоким ёрдамчиси ёки маҳаллий меҳнат органига тақдим этади.

32. Агарда ҳунарманд субсидия ажратилгандан сўнг бир ой ичида «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлмаса, унинг аъзолик бадалини қоплаш учун ажратилган субсидия «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан маҳаллий меҳнат органига қайтарилиши шарт.

33. Агарда ҳоким ёрдамчиси берган тавсия ва юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, маҳаллий меҳнат органи томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда ҳоким ёрдамчисига ва ҳунармандга хабарнома юборади.

34. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

35. Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари ушбу Низомга мувофиқ ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган субсидияларнинг манзиллилиги, самарадорлиги ва уларни мақсадли фойдаланилиши бўйича доимий равишда ўрганиш ўтказиб боради.

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

37. Манфаатдор шахслар ҳоким ёрдамчиси ва маҳаллий меҳнат органининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги бўйича ҳамда субсидиялар ажратилиши асоссиз рад этилган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
8-ИЛОВА

# Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига фоизсиз ссуда ажратиш тартиби тўғрисида
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — талабгор) жалб қилинган ҳар бир касаначи учун фоизсиз ссуда (кейинги ўринларда — ссуда) ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ссуда Жамғарма маблағлари ҳисобидан талабгорга жалб қилинган ҳар бир касаначи учун 1 миллион сўмгача, бироқ 2 йилгача муддатга жами 150 миллион сўмгача айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилади.

3. Талабгорга ссуда Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бош бошқарма) томонидан иловага* мувофиқ схема бўйича ажратилади.

---

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 2-боб. Ссудани ажратиш тартиби ва шартлари

4. Талабгор касаначиларни жалб этгандан сўнг ссуда олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида ҳудудий бош бошқармага ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

Талабгорнинг мурожаатида қуйидагилар илова қилиниши шарт:

жалб қилинган касаначиларнинг сони, фамилияси, исми, отасининг исми;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси;

охирги ҳисобот даври учун солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида солиқ органлари маълумоти, шунингдек, муддати ўтган кредит қарзлари мавжуд эмаслиги ҳақида хизмат кўрсатувчи тижорат банкидан маълумотнома;

ссуданинг миқдори ва ссуда сўралаётган давр, шунингдек, ссудани қайтаришнинг кафолатланган манбалари;

талабгорнинг ссуда тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили.

5. Ҳудудий бош бошқарма талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга беш иш куни ичида ўрганиб чиқади.

Ҳудудий бош бошқарма томонидан зарурат туғилганда, ҳудудий иқтисодиёт ва молия бошқармалари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлардан қўшимча маълумотлар сўраб олиниши мумкин.

6. Ҳудудий бош бошқарма томонидан талабгорга ссуда ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилинади ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида талабгор хабардор қилинади. Қарорда ссуда миқдори, уни ажратиш ва қайтариш муддатлари кўрсатилиши лозим.

7. Ссуда ажратиш қуйидагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

тақдим этилган ҳужжатлар ўз тасдиғини топмаганда;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда.

8. Ссуда ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ҳудудий бош бошқарма бошлиғи ва талабгор имзолари билан тасдиқланадиган ссуда ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

Шартномада ссудани қайтариш тартиби ҳамда жадвали илова қилинади.

Ссудани қайтариш, қоида тариқасида, ссуда ажратилган ойдан 3 ой ўтгач бошланади.

9. Ҳудудий бош бошқарма ва талабгор ўртасида шартнома имзолангандан сўнг беш иш куни ичида ссуда ажратилади.

Мазкур ссуда талабгор талабига биноан касаначиларнинг банк карталарига ўтказиб берилишига рухсат берилади.

### 3-боб. Ссуда олувчининг жавобгарлиги ва ссуданинг қайтарилиши

10. Ссуда олувчи ссудани ажратиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва асослилиги, шунингдек, ссуданинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгардир.

11. Талабгор томонидан ссуда белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, мавжуд қарздорлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

### 4-боб. Якунловчи қоида

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
9-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорида:

а) 2 ва 5-бандлардаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин.

6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Давлат солиқ қўмитаси» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ўн кун муддатда ҳар бир туманда (шаҳарда) корхоналар билан уйда маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган фуқаролар ўртасида кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳокимларнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари (комиссия раиси) ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиқлари (комиссия раисининг ўринбосари) бошчилик қиладиган ишчи комиссиялар ташкил этсинлар»;

б) қарорга 1-иловада:

8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» сўзлари «Аҳоли бандлиги тўғрисида» сўзлари билан, «7» рақами «38» рақами билан алмаштирилсин;

10-банддаги «меҳнат дафтарчаси берилади» сўзлари «электрон меҳнат дафтарчалари юритилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «тузилишига» сўзи «билан бир қаторда ишларни бажариш, товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, шу жумладан пудрат шартномаси асосида ташкил этишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Касаначининг электрон меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси амал қилишининг бутун даври учун юритилади. Илгари ишламаган ва меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган касаначи учун электрон меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан юритилади.

Иш берувчи электрон меҳнат дафтарчасига меҳнат шартномаси тузилиши ва тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотларни киритиши шарт. Касаначи билан меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда, иш берувчи электрон меҳнат дафтарчасига ушбу маълумотларни киритиши шарт»;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Касаначининг иш ҳақи, башарти касаначи меҳнат нормаларини ва меҳнат мажбуриятларини бажарса, қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва бирон-бир энг юқори миқдор билан чекланмайди»;

32-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

36-банддаги «15 иш» сўзлари «21 календарь» сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банддаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

49-банддаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Корхоналар томонидан туманлар (шаҳарлар) Камбағалликни қисқар-

тириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари билан биргаликда ҳар йили жорий йилнинг 5 январигача корхоналар фаолияти хусусиятларини ҳамда улардаги касаначилик иш ўринларини ташкил этишнинг мавжуд захираларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан касаначилик турларини кенгайтириш ҳисобига жорий календарь йил учун касаначиликни ривожлантириш параметрлари ишлаб чиқилади. Корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқилади ҳамда туманлар (шаҳарлар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари бошлиқлари томонидан имзоланади.

Туманлар (шаҳарлар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида корхоналар ва уйида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиялар (кейинги ўринларда ишчи комиссиялар деб аталади) билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг туман (шаҳар) параметрларини ишлаб чиқадилар. Туманлар (шаҳарлар) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари томонидан касаначиликни ривожлантириш туман (шаҳар) параметрлари тегишли равишда жорий йилнинг 8 январига қадар муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаларига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари туман (шаҳар) касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишган ҳолда, касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий параметрларини ишлаб чиқадилар ҳамда уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун жорий йилнинг 15 январигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий параметрларини жорий йилнинг 20 январигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига тақдим этадилар. Тасдиқланган ҳудудий параметрлар уларнинг бажарилиш мониторингини таъминлаш учун кўрсатиб ўтилган муддатда ишчи комиссияларга ҳам жўнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий параметрларини умумлаштиради ва жорий йилнинг 25 январигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади»;

7-банднинг учинчи хатбошисидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари»

сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бандлик бош бошқармалари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин.

12-банднинг учинчи хатбошисидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишчи комиссияга — туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига — Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳайъатига — вазирликнинг марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмаси томонидан» .

Низомга 1-иловадаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2-иловада:

2-банднинг «Ахборот қаерга тақдим этилади» устунидаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

«Ахборот берувчи орган (субъект)» устунидаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ахборот қаерга тақдим этилади» устунидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандда:

«Ахборот берувчи орган (субъект)» устунидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ахборот олиш манбаи» устунидаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ахборот қаерга тақдим этилади» устунидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари, «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг «Ахборот қаерга тақдим этилади» устунидаги «Давлат статистика қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

«Ахборот берувчи орган (субъект)» устунидаги «Давлат статистика қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ахборот қаерга тақдим этилади» устунидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг «Ахборот қаерга тақдим этилади» устунидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

«Ахборот берувчи орган (субъект)» устунидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ахборот олиш манбаи» устуни даги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари, Давлат статистика қўмитаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ахборот қаерга тақдим этилади» устунидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

«Ахборот берувчи орган (субъект)» устунидаги «Иқтисодий тараққиёт

ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ахборот олиш манбаи» устунидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 22 июлдаги 307-сон қарорига
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 14 октябрдаги 596-сон қарорининг 1 — 4-бандлари ҳамда 1 — 3-иловалари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-банди «з», «к», «л» кичик бандлари ҳамда 3-бобининг 8, 10, 11 ва 12-параграфлари.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 307 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1186-12*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2002 йил 4 октябрдаги 128-сон буйруғи (рўйхат рақами 1186, 2002 йил 2 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 21-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
7-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги
7-сон буйруғига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 7-банддаги «Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг» деган сўзлар «Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. $67^7$-банддаги «Дававианазоратига» деган сўз «Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-илованинг матнидаги «Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (The State Inspection of the Republic of Uzbekistan for Flight Safety Oversight)» деган сўзлар «Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (Civil aviation Agency under the Ministry of transport of the Republic of Uzbekistan)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 10-илованинг матнидаги «Дававианазорат» деган сўз «Фуқаро авиацияси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 308 Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1983-3*

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 июндаги 29/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1983, 2009 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 29-сон, 341-модда) билан тасдиқланган Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 27 июнь,
37-2023/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 27 июндаги
37-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

### Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига асосан ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир кор-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 июлда эълон қилинган.

хонада меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган корхонада йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур корхона фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати корхонанинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита корхона раҳбарига бўйсунади.».

4. 11-банд «саломатлигининг» деган сўздан кейин «меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

6. 100-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«100. Босим остида бўлган баллонлар сақланадиган омборлар «Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 23 ноябрдаги 258-сон буйруқ талабларига мос бўлиши керак.».

7. 107-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«107. Барча механизм ва юк кўтариш ускуналари «Юк кўтариш кранлари тузилиши ва уларни хавфсиз ишлатиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 20 июндаги 20/ЮБ-26-сон қарорга мос бўлиши керак.».

8. 169-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«169. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори талабларига риоя қилиш керак.».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 309 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-11*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 6 июнь,
14/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
6 июндаги 14/7-сон қарорига
ИЛОВА

### Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Банк устав капиталининг энг кам миқдори:

2023 йил 1 сентябрга қадар юз миллиард сўмни;

2023 йил 1 сентябрдан эътиборан икки юз миллиард сўмни;

2024 йил 1 апрелдан эътиборан уч юз эллик миллиард сўмни;

2025 йил 1 январдан эътиборан беш юз миллиард сўмни ташкил этиши керак.».

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 июлда эълон қилинган.

2. 18[1]-банддаги «1 — 3-иловаларида» деган сўзлар «1 — 4-иловаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1-илованинг 17-позициясидаги «2 ва 3-иловаларида» деган сўзлар «2 — 4-иловаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ таҳрирда 4-илова билан тўлдирилсин.

Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
ИЛОВА

«Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**2023 йил 20 августдан бошлаб жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражалари***

| **Тавсифи** | **Кредит суммасини гаров суммасига нисбати (КГН)**** | | |
|---|---|---|---|
| | **КГН ≤ 75%** | **75% < КГН < 100%** | **100% ≤ КГН** |
| Таваккалчилик даражаси | 100% | 150% | 200% |

** Агар Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль):*

*1 ва 2-иловаларида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқ бўлса, мазкур талаблар қўлланилмайди;*

*мазкур илова ҳамда йиллик фоиз ставкасидан келиб чиққан ҳолда таваккалчилик даражаларига тортилганда, чиққан натижанинг энг юқориси ҳисобга олинади.*

*** Жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитнинг гаровга нисбати коэффициенти кредит суммасининг гаров қийматига нисбати орқали ҳисоб-китоб қилинади, бунда:*

*кредит суммаси — жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитнинг сўндирилмаган қолдиғини ўз ичига олади;*

*автомобиль гаров қиймати — гаров шартномасида келишилган нарх.».*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 310 «Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2765-1*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги 2, 2016-03-сон «Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2765, 2016 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 82-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 5 июль,
49-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 июлда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 311 Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сон «Автомобиль транспортида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очиқ тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2009 йил 3 мартдаги 19-сон буйруғи (рўйхат рақами 1936, 2009 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 192-модда) билан тасдиқланган Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 26 июнь,
15-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги
15-сон буйруғига
ИЛОВА

**Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаланиш хизмати ҳамда техника хизматига оид вазифаларни белгилайди.»;

2. 6-банднинг «д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг ҳудудий транспорт бошқармаларига янги йўналишлар очиш ва/ёки мавжудларини ўзгартириш, ҳаракат йўналиши, йўналиш масофаси ва ҳаракатланиш жадвалига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар беради;».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 312 Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎзР АҚ-160) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-8*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи (рўйхат рақами 1734, 2007 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари»га (ЎзР АҚ-160) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 23 июнь,
13-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги
13-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари»га (ЎзР АҚ-160) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзавиация» агентлиги** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги»;

ўн бешинчи хатбошидаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4, 17, 24 ва 25-бандлардаги, 26-банднинг биринчи хатбошисидаги, 28, 32, 33, 37, 38, 39, $45^2$, $45^3$ ва 46-бандлардаги, 50-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 51-банддаги, 54-банднинг «в» кичик бандидаги ва 55-банддаги «Дававаиназорат» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9-банднинг биринчи хатбошисидаги, 10, 30 ва 36-бандлардаги, 43-банднинг «в» кичик бандидаги ва 57-банднинг «д» кичик бандидаги «Дававаиназоратга» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Сертификатлаш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар «Ўзавиация» агентлиги томонидан кўриб чиқилиши учун асос ҳисобланади. «Ўзавиация» агентлигига келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозим. «Ўзавиация» агентлиги аризачига ариза рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) бериши, ариза электрон шаклда берилган тақдирда эса, ариза рўйхатдан ўтказилганлигини «Ўзавиация» агентлигининг расмий веб-сайтидаги электрон хабар билан, тегишли ёзувга ҳавола билан ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул билан тасдиқлаши шарт.

«Ўзавиация» агентлигида аризани рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.».

5. 15-бандда:

биринчи хатбошидаги «Дававаиназорат инспекциясига» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Дававаиназорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 22-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Дававаиназоратнинг» деган сўз «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 29-банддаги «Дававаиназорат,» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 34-банднинг биринчи хатбошисидаги «Дававаиназоратда» деган сўз «Ўзавиация» агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 40-бандда:

биринчи хатбошидаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» кичик банддаги «Дававианазоратга» деган сўз «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 41-бандда:

биринчи хатбошидаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «Дававианазоратнинг» деган сўз «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Аэродром сертификатини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарор «Ўзавиация» агентлиги раҳбари томонидан назорат текшируви ўтказиш натижалари бўйича тузилган далолатномага асосан қабул қилинади. «Ўзавиация» агентлиги тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай аэродром эксплуатантини бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.».

12. 45[1]-бандда:

биринчи хатбошидаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«а», «б» ва «в» кичик бандлардаги «Дававианазоратга» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Қуйидаги назорат турлари назарда тутилади:

а) «Ўзавиация» агентлиги томонидан тасдиқланган назорат режа-графигига мувофиқ режали назорат текширувлари. Режали инспекция текширувларининг даврийлиги «Ўзавиация» агентлиги томонидан аниқланади (сертификатлашлар орасидаги давр ичида камида бир марта);

б) «Ўзавиация» агентлигининг қарорига кўра аэродромнинг ушбу Қоидаларнинг талабларига жавоб бериши, сертификат берилаётганда ўрнатилган шартлар ва чеклашларнинг бажарилаётганлигини текшириб баҳолаш учун ўтказиладиган режадан ташқари инспекция текширувлари;

в) «Ўзавиация» агентлигига аэродром эксплуатанти, ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан бериладиган ахборотларни инспекция текшируви ўтказмасдан туриб эксперт баҳолаш.».

14. 49-банддаги «Дававианазорат инспекция» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 1-илова матнидаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 2-иловада:

4-банддаги «Дававианазоратдан» деган сўз «Ўзавиация» агентлигидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 4-илова матнидаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 5-илова матнидаги «Дававианазорат» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 6-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

20. 7-илова матнидаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎзР АҚ-160) киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига
6-ИЛОВА

*Ўзбекистон Республикаси герби*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ**

**CIVIL AVIATION AGENCY UNDER THE MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**СЕРТИФИКАТ**
**CERTIFICATE**

Аэродром
Aerodrome

Аэродромнинг жойлашган ўрни
Aerodrome location

Аэродром эгаси
Aerodrome Owner

Сертификат эгаси
Certificate Holder

Сертификатнинг амал қилиш муддати
Certificate Validity

Ушбу орқали аэродром сертификатлаш талабларига жавоб бериши тасдиқланади, шу жумладан:
ХФАТ (ИКАО) I-тоифаси бўйича МК қўниш — ўнг.; чап.; ўнг.
ХФАТ (ИКАО) II-тоифаси бўйича МК қўниш — чап.

This certifies that the aerodrome complies with the certification requirements including:
ICAO Category I RWY R; L; R.
ICAO Category II RWY L.

Аэродром халқаро парвозлар учун яроқли.
The aerodrome may serve international flights.

Кучга кириш санаси
Effective date

«Ўзавиация» агентлиги директори ___________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 313 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎзР АҚ-92) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1773-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 30 январдаги 16-сон буйруғи (рўйхат рақами 1773, 2008 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 8-9-сон, 50-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎзР АҚ-92) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 23 июнь,
14-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги
14-сон буйруғига
ИЛОВА

## «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎзР АҚ-92) киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-бандда:

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**СПНБ** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигининг Сертификатлаш ва парвозларни амалга оширишни назорат қилиш бўлими.»;

етмишинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзавиация» агентлиги** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги.»;

етмиш учинчи хатбошидаги «Дававаиназорат» инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. 5-банддаги «Дававаиназорат» инспекциясини» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8, 16 ва 17-бандлардаги, 52-банднинг «б» кичик бандидаги, 63-банддаги, 78-банднинг «а» кичик бандидаги, 90 ва 92-бандлардаги, 95-банднинг биринчи хатбошисидаги, 97-банддаги, 99-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 117, 120 ва 124-бандлардаги, 136-банднинг «б» кичик бандидаги, 144 ва 146-бандлардаги, 198-банддаги, 199-банднинг «а» кичик бандидаги, 217-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 221-банддаги, 249-банднинг ўн биринчи хатбошисидаги, 263 ва 281-бандлардаги, 316-банднинг «е» кичик бандидаги, 352-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 356-банднинг биринчи хатбошисидаги, 358 ва 370-бандлардаги «Дававаиназорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 2-бобнинг 2-параграфи номидаги ва 12-банднинг биринчи хатбошисидаги «Дававаиназорат» инспекциясида» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 75, 107, 126, 130, 165 ва 171-бандлардаги, 172-банднинг биринчи хатбошисидаги, 187-банддаги, 251-банднинг «е» кичик бандидаги, 253-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 265-банддаги, 272-банднинг биринчи хатбошисидаги, 274 ва 276-бандлардаги, 277-банднинг биринчи хатбошисидаги, 303-банднинг «б» кичик бандидаги, 304-банддаги, 317-банднинг «а» кичик бандидаги, 335 ва 336-бандлардаги ҳамда 339-банднинг «н» кичик бандидаги «Дававаиназорат» инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 8-бобнинг 2-параграфи номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «2 §. «Ўзавиация» агентлигининг учувчи-инспекторлик ва инспекторлик таркибининг парвозлари».

7. 268-банддаги «Дававиаsuccнаoзорат раҳбарининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги директорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 270-банддаги «Дававиаsназоратнинг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 271-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«271. «Ўзавиация» агентлиги учувчи-инспекторлик таркибининг учиш фаолияти ушбу Қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.».

10. 273-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«273. «Ўзавиация» агентлигининг учувчи-инспекторлик таркиби, эксплуатантнинг ҲК экипажлари таркибидаги парвозлари «Ўзавиация» агентлиги томонидан тасдиқланадиган режа-жадваллар асосида бажарилади. «Ўзавиация» агентлигининг учувчи-инспекторлик таркиби «Ўзавиация» агентлиги раҳбариятининг топшириқлари бўйича, аввал тасдиқланган режа-жадвалга қўшимча равишда эксплуатант ҲК экипажларининг парвоз топшириғига киритилиши мумкин.».

11. 275-бандда:

биринчи хатбошидаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«а» ва «г» кичик бандлардаги «Дававианазорат» инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12. 278-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«278. Давлат томонидан ўрнатилган ҲКнинг парвозлари хавфсизлигини таъминловчи қоидалар ва нормаларга риоя этилишини назорат қилиш мақсадида, эксплуатант томонидан бажариладиган парвоз йўналишлари бўйича «Ўзавиация» агентлигининг парвоз эксплуатацияси инспекцияси ўтказилади. Парвоз топшириғида учувчилар кабинаси ва йўловчилар салони (юк кабинаси)да экипаж аъзоларининг ишини кузатиш учун, ҲК экипажи таркибига «Ўзавиация» агентлигидан кузатувчи киритилиши мумкин.».

13. 279-бандда:

биринчи хатбоши ва «а» кичик банддаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «Дававианазорат» инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 282-банддаги «СЛПТБНБга» қисқартмаси «СПНБга» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

15. 319-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«319. Парвозлар хавфсизлиги ҳолатининг таҳлили учиш ишини ташкил этиш таҳлилининг асосий қисми ҳисобланади ва «Ўзавиация» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар асосида УОда, ЎМда, ЎММда, авиакомпания (авиакорхона)ларда ҳамда «Ўзавиация» агентлигида ўтказилади.».

16. 321-банддаги «Дававианазорат» инспекциясига» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 314 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1881-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 10 ноябрдаги 228-сон буйруғи (рўйхат рақами 1881, 2008 йил 13 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 51-сон, 507-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 23 июнь,
12-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги
12-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

еттинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзавиация» агентлиги — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;».

2. 3, 11, 16, 18, 23, 24, 26, 31, 33, 34, 38 ва 42-бандлардаги, 43-банднинг «а» кичик бандидаги, 49, 52, 54-бандлардаги ва 56-банднинг биринчи хатбошисидаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Биринчи марта сертификатни олиш учун ариза «Ўзавиация» агентлигига топширилади. Мазкур ариза «Ўзавиация» агентлиги томонидан ўттиз иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

«Ўзавиация» агентлигига келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозим. «Ўзавиация» агентлиги аризачига ариза рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) бериши, ариза электрон шаклда берилган тақдирда эса, ариза рўйхатдан ўтказилганлигини «Ўзавиация» агентлигининг расмий веб-сайтидаги электрон хабарларга таяниб ёки қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул билан тасдиқлаши шарт.

«Ўзавиация» агентлигида аризани рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.».

4. 8, 12, 14, 22, 29 ва 32-бандлардаги, 35-банднинг «в» кичик бандидаги ва 39-банднинг «в» кичик бандидаги «Дававианазорат» инспекциясига» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 19-банддаги ва 28-банднинг биринчи хатбошисидаги «Дававианазорат» инспекциясида» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 36-банднинг «б» кичик бандидаги, 45 ва 51-бандлардаги «Дававианазорат» инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Сертификат ҳаракати тугатилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳисобот тақдим этилгандан сўнг Сертификат ҳаракатини янгилаш тўғрисида «Ўзавиация» агентлигининг қарори қабул қилинади. «Ўзавиация» агентлиги тегишли

қарор қабул қилинган кунидан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай ёзма равишда буюртмачига бу ҳақда хабар беради.».

8. 46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. «Ўзавиация» агентлиги инспекторлик текширувларини ўтказиш комиссиясининг иш тартиби «Ўзавиация» агентлигининг ҳужжатлари билан белгиланади.».

9. 1-илова матнидаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 2-илованинг I бўлими 9-шаклидаги ва II бўлими 2-параграфи изоҳидаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 3-иловада:

15, 20, 35 ва 38-бандлардаги ҳамда 39-банднинг «и» кичик бандидаги «Дававианазорат» инспекцияси» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16 ва 19-бандлардаги «Дававианазорат» инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17-банддаги «Дававианазорат» инспекциясида» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. «Ўзавиация» агентлиги томонидан берилган гувоҳномаларга эга бўлган авиация мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув режалари ва дастурлари «Ўзавиация» агентлиги билан келишилади. Бошқа тоифадаги ходимларни тайёрлаш дастурларини ўқув юртининг раҳбари тасдиқлайди.

Ўқув режалари ва дастурларининг нусхаси «Ўзавиация» агентлигига юборилади.».

12. 4-илованинг матнида:

«Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«Дававианазорат» инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 315 Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2545-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил 23 декабрдаги 20-сон буйруғи (рўйхат рақами 2545, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 710-модда) билан тасдиқланган Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 26 июнь,
18-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги
18-сон буйруғига
ИЛОВА

**Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиш тартибини, шунингдек унинг вазифалари, функциялари ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари (бундан буён матнда ДЙҲХХ органлари деб юритилади) билан ўзаро муносабатларини белгилайди.».

2. 1-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши** — автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган талабларнинг бузилиши.».

3. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, элликта ва ундан ортиқ автотранспорт воситалари мавжуд бўлган автомобилда ташувчиларда ЙҲХ ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.».

4. 12-банддаги «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGINING QARORI

## 316 Avtomobil transporti haydovchilari mehnatiga haq to‘lashning umumiy shartlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 19-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3130-2*

O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksi va Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 16-sentabrdagi 775-son “Mehnatga haq to‘lash yagona tarif setkasini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi va Transport vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi, Moliya vazirligi va O‘zbekiston avtomobil transporti agentligining 2019-yil 22-yanvardagi 2-2019/QQ, 9 va 1/103-son qarori (ro‘yxat raqami 3130, 2019-yil 23-yanvar) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.01.2019-y., 10/19/3130/2539-son) bilan tasdiqlangan Avtomobil transporti haydovchilari mehnatiga haq to‘lashning umumiy shartlari to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vaziri** **B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,
2023-yil 5-iyul,
58-2023/QQ-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri** **Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,
2023-yil 21-iyun,
38-son

**Transport vaziri** **I. MAXKAMOV**

Toshkent sh.,
2023-yil 4-iyul,
20-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 21-iyulda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik
vazirligining 2023-yil 5-iyuldagi
58-2023/QQ-son, Iqtisodiyot va moliya
vazirligining 2023-yil 21-iyundagi 38-son va
Transport vazirligining 2023-yil 4-iyuldagi
20-son qaroriga
ILOVA

## Avtomobil transporti haydovchilari mehnatiga haq to‘lashning umumiy shartlari to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom avtomobil transporti haydovchilari mehnatiga haq to‘lashning umumiy shartlarini belgilaydi.”.

2. 3-bandda:

birinchi xatboshidagi “Vazirlar Mahkamasining 2009-yil 21-iyuldagi 206-son qarori” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 16-sentabrdagi 775-son qarori” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “Mehnat kodeksining 153-moddasiga” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 246-moddasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 317 Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2046-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 октябрдаги 63-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2046, 2009 йил 24 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 48-сон, 515-модда) билан тасдиқланган Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
39-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 21 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 22 июндаги
39-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 84-банд ва 94-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ҳудудий санитария-эпидемиология осойишталик марказлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 127-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«127. Цех ва участкаларда ишлаб чиқариш электр-ускунасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига мувофиқ жойлаштириш ва ўрнатиш зарур.».

3. 142-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 146-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«146. Юк кўтариш кранлари ва ёрдамчи мосламаларнинг тузилиши, техник жиҳатдан шаҳодатлаб ва фойдаланиш «Юк кўтариш кранларининг тузилиши ва бехатар ишлатиш қоидалари», шунингдек ГОСТ 12.2.065-81 ССБТ «Юк кўтариш кранлари. Умумий хавфсизлик талаблари»га жавоб бериши керак.».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 318 Кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2743-1*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йил 18 декабрдаги 57-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2743, 2015 йил 24 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 51-сон, 640-модда) билан тасдиқланган Кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур буйруқ иловасининг 10-банди 2023 йилнинг 5 ноябридан амалга киритилади.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
51-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 21 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 22 июндаги
51-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

## Кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини белгилайди.».

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунади.».

4. 10-банд «саломатлигининг» деган сўздан кейин «меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 31-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишдан четлаштириши шарт.».

7. 107-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«107. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатишда ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар

электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиниши керак.».

8. 125-банддаги «Юк ортиш ва тушириш ишларидаги хавфсизлик» деган сўзлар «Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 192-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. 299-банддаги «давлат стандарти» деган сўзлар «миллий стандарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 319 Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-5***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-44-сон буйруғи (рўйхат рақами 1754, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 545-модда) билан тасдиқланган Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
38-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 22 июндаги
38-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

## Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Ўта хавфли ишларни уларни бажаришнинг хавфсиз усуллари бўйича йўл-йўриқ бермасдан ва масъул шахс томонидан тасдиқланган махсус расмийлаштирилган «наряд-рухсатнома»сиз амалга ошириш ман этилади (мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида кўрсатилган). Электр ускуналарда бажариладиган ишлар хавфсизлигини таъминловчи ташкилий чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ бажарилади.».

3. 104-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«104. Газ билан тўлдирилган баллонларни сақлаш омбори Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.».

4. 164-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 223-банднинг биринчи ҳатбошиси чиқариб ташлансин.

6. 225-банддаги «Электр энергетикада назорат инспекцияси» деган сўзлар «Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 265-банддаги «давлат санитария назорати марказлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 266-банддаги «санитария назорати маҳаллий органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг

ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 275-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«275. Газ суви ишлаб чиқариш учун сатуратор мосламаларининг жиҳозланиши ва эксплуатация қилинишида Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоидалари талабларига амал қилиш тавсия этилади.».

10. 516-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 600-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«600. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг коммунал-маиший бўлимига қарашли ускуналарга хизмат кўрсатиш учун инспекцияларнинг қоидаларига мувофиқ махсус курс ўқишидан ҳамда билимлар синовидан ўтган, шунингдек кириш йўриқномалари ва иш жойидаги йўриқномалардан ўтган шахслар қўйилади.».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 320 Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-45-сон буйруғи (рўйхат рақами 1755, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 546-модда) билан тасдиқланган Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
40-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 22 июндаги
40-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Спирт ва ликёр-арок ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Ўта хавфли ишларни уларни бажаришнинг хавфсиз усуллари бўйича йўл-йўриқ бермасдан ва масъул шахс томонидан тасдиқланган махсус расмийлаштирилган «наряд-рухсатнома»сиз амалга ошириш ман этилади (мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида кўрсатилган). Электр ускуналарда бажариладиган ишлар хавфсизлигини таъминловчи ташкилий чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ бажарилади.».

3. 217-банднинг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. 271-банддаги «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 418-банддаги «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 502-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«502. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг коммунал-маиший бўлимига қарашли ускуналарга хизмат кўрсатиш учун инспекцияларнинг қоидаларига мувофиқ махсус курс ўқишидан ҳамда билимлар синовидан ўтган, шунингдек кириш йўриқномалари ва иш жойидаги йўриқномалардан ўтган шахслар қўйилади.».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 321 Электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2466-1***

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги ва «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 14 майдаги 34-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2466, 2013 йил 7 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 310-модда) билан тасдиқланган Электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур буйруқ иловасининг 8-банди 2023 йилнинг 5 ноябридан амалга киритилади.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
48-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 22 июндаги
48-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

## Электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунади.».

4. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

5. 34-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 82-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг

ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 124-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«124. Ташкилотларда электр қурилмаларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.».

8. 189-банддаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

# Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида МАЪЛУМОТИ

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги 7-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1186-12.***

2. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 27 июндаги 37-2023/Б-сон «Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1983-3.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 6 июндаги 14/7-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-11.***

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 49-сон «Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 18 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2765-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги 15-сон «Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936-2.***

6. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги 13-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎзР АҚ-160) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-8.***

7. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги

14-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎзР АҚ-92) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1773-3.***

8. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги 12-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1881-3.***

9. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги 18-сон «Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2545-1.***

10. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2023-yil 5-iyuldagi 58-2023/QQ-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 21-iyundagi 38-son va Transport vazirligining 2023-yil 4-iyuldagi 20-son “Avtomobil transporti haydovchilari mehnatiga haq to‘lashning umumiy shartlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori.

***2023-yil 19-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3130-2.***

11. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 39-2023/Б-сон «Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2046-3.***

12. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 51-2023/Б-сон «Кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2743-1.***

13. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 38-2023/Б-сон «Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-5.***

14. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 40-2023/Б-сон «Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-5.***

15. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 48-2023/Б-сон «Электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўр-

сатишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 20 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2466-1.***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги 2, 2016-03-сон «Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2765, 2016 йил 24 февраль).

***2023 йил 18 июлда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**